

4. Official website of the Ministry of Health Republic of Uzbekistan. [E-link]. Address: www.minzdrav.uz
5. Official website of the Ministry of Higher and Secondary Specialised Education Republic of Uzbekistan. [E-link]. Address: www.edu.uz
6. Official website of the Supreme Attestation Committee the Republic of Uzbekistan under Cabinet of Ministries. [E-link]. Address: www.oak.uz
7. Reference Points for the Design and Delivery of Degree Programmes in Nursing. [E-link]. Address: http://www.unideusto.org/tuningeu/images/stories/key_documents/tuningnursingfinal.pdf
8. Reference Points for the Design and Delivery of Degree Programmes in Occupational Therapy. [E-link]. Address: http://www.unideusto.org/tuningeu/images/stories/Publications/OCCUPATIONAL_THERAPY_FOR_WEBSITE.pdf
9. The Bologna Declaration on the European space for higher education. [E-link]. Address: <http://ec.europa.eu/education/policies/educ/bologna/bologna.pdf>
10. TuCAHEA: «Towards a Central Asian Higher Education Area: Tuning Structures and Building Quality Culture». [E-link]. Address: <http://www.tucahea.org/>
11. TUNING Educational Structures in Europe. [E-link]. Address: <http://www.unideusto.org/tuningeu>
12. Tuning Guide to Formulating Degree Programme Profiles. [E-link]. Address: http://www.unideusto.org/tuningeu/images/stories/documents/Tuning_Guide_Degree_programme_profiles.pdf
13. Tuning Russia. Electronic source available online at: <http://tuningrussia.org>

РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИДА КРЕДИТ СИСТЕМАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Тожиев М., Мамадалиев К. Р., Хуррамов А. Ж.

Ушбу мақолада кредит системасининг ривожланган хорижий мамлакатлар олий таълим тизими ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган бўлиб, унда кредит системасининг мазмун ва моҳияти, устувор томонлари, кредит системаси вужудга келиш тарихи, талабаларни билимини назорат қилишида балли-рейтинг системаси кредит системасининг ижобий томонларидан бири эканлиги илмий томондан асослаб берилган.

IMPORTANCE OF CREDIT SYSTEM IN HIGHER EDUCATION DEVELOPMENT OF FOREIGN DEVELOPED COUNTRIES

Tojiev M., Mamadaliev K., Khurramov A.

This article based on the role of developed countries in the development of the higher education of credit system and discussed the importance, and the nature of the content of credit system, advantages, eventuate the history of credit system, balls- rating system is one of the benefits of credit-rating system based on scientific site had been checked the students' knowledge.

ВАЖНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ КРЕДИТНОЙ СИСТЕМЫ В РАЗВИТИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВЕДУЩИХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Тожиев М., Мамадалиев К. Р., Хуррамов А. Ж.

Статья посвящена актуальным вопросам использования и развития кредитной системы в развитых странах, обсуждению важности системы для высшего образования.

Таълимнинг кредит ситемаси (credit-hours system) – мустақил таълим олишга қаратилган ва индивидуаллик асосда билимни ижодий ўзлаштириш, ўқув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда таълим йўлини танлаш ва кредит ҳолида билим ҳажмини билгилайди.

Кредит (Credit, Credit-hour) – барча академик даврда меҳнат юкламасига мос равишда талаба(ўқитувчи)нинг ўқув ишларини ҳажмини ўлчаб берувчи ўзига хос бирликдир.

Умумий қабул қилинган таълимнинг кредит технологиясининг ўзига хос томонларидан бири халқаро умумтаълим стандартларига мос келиши ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш муаммолари, жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган универсал таълим дастури, академик эркинлик ва ўқув дастурларини вариативлигидир. Талабаларда хорижий давлатлар университет таълим даражасига эркин кириш имкониятлари вужудга келади, бакалавр ва магистратура битирувчиларини барча давлатда ишга жойлашиш ҳуқуқлари пайдо бўлади.

Кредитли таълим ситемасига ўтишнинг устувор томонлари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва ўқитишнинг сифатини оширилиши;

- меҳнат бозорининг талабларини ҳисобга олиниши.

Улардан:

- олий таълим тизимининг кўп босқичлиги;
- академик кредитлар ситемасини киритиш;
- ўқитувчи ва талабаларни академик мулоқотини таъминлаш;
- дипломга ягона европа иловасини бериш;
- олий таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш.

Ўқитишнинг кредитли технологиясини қўллаш орқали ўқув жараёнини ташкил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- а) ўзига хос билимлар ҳажми;
- б) таълимни максимал индивидуллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- в) талабаларнинг мустақил ишларини ўрни ва самарадорлигини кучайтириш;
- г) талабаларнинг самарадорлик жараёнини назорат қилиш асосида таълимдаги аниқ ютуқларни вужудга келиши;

Таълимнинг кредитли технологиясининг ўзига хос томонлари қуйидагилар:

- а) талаба ва ўқитувчининг ҳар бир фандан меҳнат ҳаражатини баҳолаш учун таълим кредитини жорий қилиш;
- б) ишчи режага киритилган фанларни эркин танлаши, бу бевосита индивидуал ўқув режасини шакллантиришга ўз хиссасини қўшишига таъминлайди;
- в) ўқитувчини танлашнинг эркинлиги;
- г) таълимнинг аниқ йўналишини танлашда таълим жараёнига маслаҳатчиларни жалб қилиш;
- д) талабаларнинг таълим ютуқларини назорат қилишда самарали методлар;
- е) таълимда интерактив методларни кенг қўлланилиши;
- ж) талабанинг мажбурий дастурни ўзлаштиришда мустақил таълимни фаоллаштириш;
- и) талабаларнинг ҳар бир фандаги таълим ютуқларини баҳолашда балли-рейтинг ситемасидан фойдаланиш;
- к) ўқув жараёнини барча муҳим ўқув ва методик материалларини электрон ва қоғоз вариантлари билан таъминлаш;

Кредит-соат ситемаси биринчи марта АҚШда вужудга келган. 1869 йилда Гарвард университети Президенти Чарлз Элиот “кредит-тизимлар” тушунчасини киритди ва 1870-80 йил ўқув фанлари ҳажмини кредитда ўлчанадиган тизим жорий қилинди.

Маълум даражага етишиш учун “кредит-соат”лар ҳажми яъни, зачет бирликларини тўплаш лозим бўлади. Америка ситемасида USCS (US Credit

system) – кредит-соат – бу ўқитиш вақтига асосланган ўлчам. 1 кредит-соат нима билан ўлчанади?

- ўқитувчи ва талабанинг ўқув фаолияти;
- курс ва дастурнинг ҳаражати билан ўлчанади.
- Талаба ўзлаштиришининг нисбий даражаси:
- бир дастурдан иккинчисига ўтиш учун;
- талабанинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун.

1 кредит-соат – семестр давомида ҳафта ичида талабанинг аудитроия ишларининг академик соатига тенгдир.

1999 июнь ойида 29 та европа давлатларининг таълим вазирлари Болонский декларациясига қўл қўйдилар, бунда асосий эътибор ESTS ва дипломларнинг умумевропа Иловага қаратилгандир. Ҳозирги кунда барча европа мамлакатлари таълим кредитига ўтказилди ва 1062 та Олий таълим муассасасига жорий қилинди.

Шу тарзда, Европа мантиқан ESTS ситемаси бўлган умумевропа шаблони бўйича миллий тизимдаги баҳолаш шкаласини тенглаштирди. Бу тизимга биноан ҳар бир талаба 1 ўқув йилда 60 та европа кредитини тўплаши керак.

Европа, америка ва британия кредит ситемаси билан бир қаторда (зачет бирлиги) UCTS (University Credit Transfer System) бўлган Осиё-тинч океани регионлари учун университет кредитларини ўтказиш ситемаси маждуддир. Ушбу UCTS га Япония ва Хитой қўшилмади.

Япониянинг зачет бирлиги ситемасининг асосини америка USCS ситемаси киритилган бўлиб, ундан фарқли ўлароқ, “кредит-соат” термини “зачет бирлиги” (units) терминига алмаштирилган.

Системани номи	Системани қисқа маъноси
Америка	USCS-US Credit system
Европа	ESTS-European Credit Transfer System
Осиё-тинч океани	UCTS-University Credit Transfer System
Хитой	кредит-соат
Япония	зачет бирлиги

Хитой халқ демократик республикасида 120 та кредитлар асосида бакалавр даражасига ўтиш учун Америка сингари уч босқичли таълим ситемаси қабул қилинган. Ўқув йили 2 та семестрга бўлинади. Семестрнинг давомийлиги америка ситемасидан фарқли ўлароқ, 20 ҳафтани ташкил қилиши мумкин. Университетда ўқиш давомийлиги 4-5 йил, медицина университетларида 7-8 йилни ташкил этади.

Шу тариқа, давлатларнинг таълим ситемасида “кредит” терминини изоҳлаш, тушунтиришда маълум фарқлар мавжуд. Агар европа кредит ситемаси ўз ҳажми кўра аудитория ва ундан ташқари мулоқот соатларини ўзида акс эттиради, америка кредит соати қатъиян фақатгина аудиториядаги мулоқот вақтида ўз аксини топган.

Тахмин қилинадики, ECTS кредитлари ҳар бир ўқув фани учун умумий ўқув юкламаси, ишчи соатлари сифатида мулоқот соатлари тушунилади. ECTS ситемаси ўзига эътироф этувчи восита бўлиб, у кўп миллатли европа анъаналарини ҳисобга олган ҳолда турли хилдаги таълим тизимларини яқинлаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун МДХ мамлакатларида дунё таълим жараёнларини интеграцияси учун мустаҳкам асос ва таълимнинг юқори сифатини таъминлашда америка кредит ситемасидан фойдаланилди.

Бир ESTS кредити 24-36 иш соатни кўзлайди, бунга мулоқот машғулотларини барча турлари киради. ESTS ситемасига бир ўқув йили мос равишда 60 кредитлари, 30 кредитлар – семестрига тўғри келади.

Америка кредитлари – USCS осонликча европа кредитларига ўтказилади – ESTS ва UCTS – осие-тинч океан кредитлари.

1 та америка кредит-соати 1 та хитой кредитига тенгдир. 1 та америка кредит-соати 1 та япон зачет бирлигига тенгдир. 1 та америка кредит-соати 2 та европа кредит-соатига тенгдир. 1 та америка кредит-соати 2 та осие-тинч океан кредитларига тенгдир, 1 та америка кредит-соати 4 та британия кредитларига тенгдир:

- 1 та хитой кредити,
- 1 та япония зачет бирлиги,
- 1 та америка кредит-соати = 2 та европа кредит-соати,
- 2 та осие-тинч океани кредити,
- 4 та британия кредитига тўғри келади.

Кўпгина давлатлар таълим ситемасида кредит соат ситемасини кенг қўлланилиши кўзга ташланади.

Кўпбосқичли олий ва олий таълимдан кейинги тизимда (бакалавриат – магистратура – докторантура) умумийдан шахсий, аввало одам маълум бир йўналиш бўйича кенг билимни эгаллайди, сўнгра ихтисосликка йўналтирилган алоҳида ўқув дастурлари орқали тор мутахассисликка ўтади.

Бундай тизим, таълим ғояси ва методикаси нуқтаи назаридан талабада талабалик давридан бутун ҳаёти давомида шахслараро муносабатлар малака ва кўникмаларини шакллантириш имкониятини яратади. У билим олишнинг аниқ етарли қўлланилишини таъминлайди.

Университет таълимига мос равишда кўпбосқичли тизим, асосий мақсад кенг саводли, янги ғоя ва ечимларни давом эттирадиган, касбий мобил юқори талаблар мавжуд шароитларда ишлайдиган инсонларни тайёрлашдир.

Таълим мазмунини яхшилаш учун барча даражаларга кўра давлат умумтаълим стандартларини такомиллаштириш ва уйғунлаштириш, инновацион таълим технологияларни жорий қилишни ҳисобга олган ҳолда ўқув режаси ва фан дастурини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Олий таълим тизимида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигига ўтиш қуйидаги имкониятларни беради:

- ўқув дастурларини ҳалқаро талабларга мос келиши;
- таълимнинг турли босқичларида ўқув дастурларни ўзаро боғлиқлигини яратиш;
- ўқув дастурларини меҳнат бозорига мослаштириш;
- умумтаълим давлат таълим стандартларида компетент модельни қўллаш;
- унификациян ўқув режа ва фан дастурлари туфайли талабаларнинг мулоқотчанлигини кучайтириш;
- талабаларни фан дастурларни танлашда академик эркинликни тақдим этиш.

Киредит системасида бакалавриятнинг барча ўқув фанлари уч циклга бирлаштирилади:

- бакалавриятни барча йўналишлар, бўйича дастуридаги умумтаълим фанлар циклини ҳажми 25%ни;
- базовий мутахассислик фанлар цикл ҳажми 25% ташкил қилади.

Шу тариқа, бакалавриятнинг фан дастурлари бўйича талабаларни базовий ва фундаментал тайёрлашда концептуал бириктирилишига олиб келади.

Дунёнинг ривожланган давлатларининг олий таълим муассасаларини тажрибасида олий мактаб битирувчиларни таъминлайдиган тизим вижудга келган. Айнан шу принципларга академик даражаларнинг бутун ситемаси жавоб беради: яъни: бакалавр – магистр – фалсафа доктори (PhD).

Болонский жараёнининг концепциясига кўра танлов бўйича мажбурий курслар мувофиқлиги ўзгаради. Бугунги кунга келиб постболонский таълим майдонида қуйидаги мувофиқлик 30%-70%ни ташкил қилиши керак. Шундай қилиб, “Олий таълим” ГОСОнинг асосий низомига кўра, агар 1 босқичда танлаш компоненти 30-40%ни ташкил қилса, 3-4 босқичларда танлаш компонентининг ҳажми 60-70% га ошади. Бу эса, олий таълим муассасаларига ўқув дастурларини такомиллаштиришга, турли долзарб фанлар ва меҳнат бозорининг регионал талабларини ҳисобга олиш имкониятини беради.

Кейинги тараққиёт таълим хизмати сифатини назорат қилиш системасини ўз ичига олади. Давлат аттестацияси лицензиялаш жараёнини такомиллаштирилмоқда. Таълим сифатини назорат қилишдан таълим сифатини таъминлаш ситемасига яъни, унинг асосий воситаси бўлиб, таълимни ташкил қилиш аккредитациясидир.

Таълим кредит технологиясини жорий қилинишини ўрганиш таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, турли дунё мамлакатларида ўзига хос бўлган хусусиятлари мавжуд. Таълим кредит технологиясининг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги кўпгина дунё мамлакатларининг таълим ситемасида кенг тарқалганлигида кўринмоқда, чунки, таълим дастурлари йўналишларининг

тараққий этиши талабаларни билимни мустақил ўзлаштириш ва мустақил иши ижодий фаолият даражасини оширишга имконият яратади, демак, таълим сифати тўлиқ ошади.

Шу тариқа, таълим кредити технологиясини жорий қилиниши шартли равишда кадрлар таркиби, ўқув-методик таъминланганлик, моддий-техник таъминланганлик базаси ва энг асосийси, талабанинг ўзи ва унинг ўқишга булган муносабатиганисбатан юқори талабаларни кўяди. Таълим кредити технологиясида талабаларнинг мустақил таълимига бўлган талабни кучайтиради, чунки, уй вазифаси ҳам баҳоланиши мақсадга муваффикдир. Мазкур технология таълим воситаларини барча мажмуалари билан лаборатория қурилмаларига бўлган кенг йўл очиб беради, (асбоблар, компьютерлар, видео-слайд проекторлари, аудио-аппаратура), мультимедия, виртуал-тренинг мажмуалари ва ҳоказо.

Бундан ташқари, таълим кредити технологияси бошқа олий таълим муассасаларида кредитларни ўзлаштирилганни қайта топшириш ва жамғариб бориш характери ташкил қилинади.

Таълим кредити технологияси жорий қилинган олий таълим муассасаларида, академик эркинлик таълим кредити технологиясининг асосий афзалликларидан бири эканлиги деган хулосага келди: талабалар ўқитувчиларни танлаш имконияти билан ўз таълим доирасини шакллантиради. Намунали ва ишчи ўқув режаси билан бирга уларнинг ўқув жараёнини ташкиллаштирийдиган ва таълим мазумнини аниқлаб берадиган талабаларнинг шахсий ўқув режалари (ИУП – Curriculum), жорий қилинади.

Таълим стандартлари талабларини ўзгарувчанлиги бирлаштириш мақсадида, ҳамда таълимни вариантлилигини таъминлаш, мажбурий ўқув фанлари билан бирга танланадиган – электив фанлар киритилган.

Олий таълим муассасаларида таълим кредити технологиясини муваффақиятли жорий қилиш учун бир қатор масалаларни мустақил ҳал қилиши керак, айнан :

- талабани танлаб олган таълим доирасига мос равишда мустақил таълим олишга ўргатиш;
- сифатли силлабусларни яратиш ва ишлаб чиқиш;
- олий таълим муассасасининг ўқитувчисига гипертекстлар, аудио материаллар, мультимедиа технологияларини қўллаган ҳолда интерфаол режимда дарс ўтиш имкониятини яратиб бериш;
- замонавий таълим методларини профессионал шаклда қўллаш;
- иллюстратив ва тарқатма материалларни тайёрлаш мақсадида деканат ва кафедраларни офиснинг нусха – кўпайтирувчи аппаратлар билан таъминланиши;
- Таълим кредити технологиясига ўтишда тайёргарликнинг асосий тамойилларидан бири бу аттестация талабларидир. Жумаладан:

- муайян кадрлар мавжудлиги;
- ўқув майдони;
- кутубхона фонди;
- ўқув-лаборатория базаси;
- матбуот базаси;
- спорт иншооти ва майдонлари;
- компьютер базаси;
- жамоат овқатланиш ситемаси ва ҳоказо.

Бироқ шуни белгилаб ўтиш муҳимки, таълим кредити технологиясини жорий қилиниши библиотека, АРМ фонди, (нафақат қоғоз китоблари, балки электрон китоблар); матбуот базасини кенгайтириш орқали ҳар бир талаба ўқув фанлар мажмуалари билан ўз вақтида таъминлайди, компьютер базаси ва технологияси талабага on-line режимида рўйхатдан ўтиш ва ўқув материалларни олиш имкониятини беради.

Таълим кредити технологиясини жорий қилиш профессор-ўқитувчилар жамоасининг даражасига боғлиқдир. Мазкур технология ҳалқаро таълим тажрибасида кенг қўлланиладиган ўқитишнинг фаол методларини жорий қилинади. Ўқув жараёни фақатгина билим бериш, балки, талабаларнинг амалиётда малака ва кўникмаларни эгаллашга қаратилган бўлиши керак. Шунга боғлиқ ҳолда кўпгина ўқитувчилар вақт тақозоси билан эски методлардан воз кечишларига тўғри келади.

Талабалар билимини назорат қилишда балл-рейтинг ситемаси – бу:

- ҳудудий аттестация;
- назорат ишлари;
- бўлим юзасидан тест;
- курс ишлари бўйича ҳисобот;
- амалиёт ҳимояси;
- индивидуал вазифаларни қабул қилиш;
- оралик аттестация;
- ўқув фани бўйича якуний тест;
- имтиҳон;
- битирув ишлар ҳимояси.

Жадвал

Талабаларнинг билимини балл ва баҳосини ҳисобга олган ҳолда

1 градациялар жадвали

Харфий тизим бўйича баҳолаш. Даража, Grade	Даражанинг сифат кўрсаткичи ёки баҳолаш Designation	Даражанинг миқ- дорий кўрсатки- чи (балларнинг рақамли эквива- ленти) Poinst тўрт пойнт- ли тизим	Фоиз жихатдан мазмун Баллар, Balls
A	аъло	4.0	95 – 100
A-		3,67	90 – 94
B+	яхши	3.33	85 – 89
B		3.0	80 – 84
B-		2.67	75 – 79
C+	қониқарли	2.33	70 – 74
C		2.0	65 – 69
C-		1.67	60 – 64
D+		1.33	55 – 59
D		1.0	50 – 54
F	қониқарсиз	0	0 - 49

Бу градация GPA (grade point average)ни аниқлаш учун муҳимдир – бошқа ўқув муассасасига ўтказиш, кредит технологияси бўйича ишлайдиган шу билан бирга олий таълим муассасасини битирганда талабанинг умумий академик билимини ўртача баҳоларини билдиради.

Шу билан бирга таълим кредити тизими ўқув жараёнини ташкил қилиш тамойилларини такомиллаштириш, талабаларнинг билимини назорат қилиш, олий таълим муассасаларинг ўқитувчи-профессор таркибини моддий рағбатлантириш ва меҳнат ҳаққини яхшилаш тамойилларини кўриб чиқишни талаб қилади. Бундан ташқари, талабаларни ўқув қўлланма ва материаллар билан таъминланганлик амалдаги меъёрлари таълим кредити тизимини талабларига мос бўлиши, замонавий жиҳозлар ва кўпайтириш техникаси билан жиҳозланган шахсий матбуот марказини мавжуд бўлиши муҳимдир. Ишончимиз комил, таълим кредити тизими ривожланган хорижий мамлакатлар олий таълим тизими ривожланишида ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Академические правила кредитной системы обучения. Изд. ЦАУ, 2005.
2. Болонская декларация «О Европейском регионе высшего образования», г. Болонья, Италия, 1999.

3. Изетаева Г.К. Ўқитишнинг кредит технологияси – математика таълими ривожланишнинг омили сифатида. “Математика фани ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман, Андижон – 2011 йил 8-9 ноябрь, 149-151 бет.
4. Мырзалиев Б.А. и др. Кредитная система обучения: опыт внедрения, проблемы и перспективы. -Шымкент, 2005.-223с.

ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: НОРВЕГИЯ ДАВЛАТИ МИСОЛИДА

Лутфуллаев П.

Ушбу мақолада Норвегия таълим тизими ва унинг хусусиятлари очиб берилган. Айниқса, олий таълим тизимидаги жараёнлар кенг таҳлил этилган. Шу билан бирга Ўзбекистон ва Норвегия ОТМлари ўртасидаги ҳамкорлик ишлариغا ҳам тўхталиб ўтилган.

СВОЕОБРАЗИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ОБРАЗОВАНИЯ: НА ПРИМЕРЕ ГОСУДАРСТВА НОРВЕГИИ

Лутфуллаев П.

В данной статье рассматривается система образования Норвегии и её своеобразие. В том числе широко проанализированы учебные процессы системы высшего образования. А также, отдельно освещается сотрудничество вузов Норвегии и Узбекистана.

THE SPECIFIC PECULARITIES OF HIGHER EDUCATION IN FOREIGN COUNTRIES: CASE OF NORWAY

Lutfullayev P.

In this article the Norwegian system of education and its peculiarities are highlighted. Especially the processes in higher education system are more discussed. Besides, it also reviewed the cooperation between Uzbek and Norwegian higher educational institutions.